

**Эски бинони бузиш хизмати бўйича  
ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ  
№ 02 -сонли**

Гурлан тумани

2022 йил “13” май

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Гурлан туман Халқ таълими бўлими» номидан Низом асосида иш кўрувчи бошлиғи М.Маримов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **Xorazm Shams Building House МЧЖ** номидан Устав асосида иш кўрувчи **Ж.Халимов** иккинчи томондан Гурлан тумани 2-умумий ўрта таълим мактабининг эски биносини бузиш (снос) хизмати бўйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

**I. ТАЪРИФЛАР**

1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади;

**-ижро хужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект хизмат кўрсатиш га ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда хизмат нормалари ва қондаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

**- Хизмат кўрсатиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг Хизмат кўрсатиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**-вақтинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан Хизмат кўрсатиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**-беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**-шартнома нархини бўлиб чиқиш** – ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

**II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.**

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ шартнома бўйича **Гурлан тумани 2-умумий ўрта таълим мактабининг эски биносини бузиш (снос) хизмати** кўзда тутилган лойиҳа бўйича бузиш (снос) хизмати ишларини бажариш мажбуриятини ҳамда объектида бузиш (снос) хизмати ишларини смета хужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига бузиш (снос) хизмати ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.**

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг 11.05.2022 йилдаги № 78610-қарори (Танлов комиссияси қарори санаси Баённома рақами-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар, ажратмалар ва пудратчининг

бошқа харажатларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда ҚҚС билан бирга 95 448 711 (Тўқсон беш миллион тўрт юз қирқ саккиз минг етти юз ўн бир) сўмни ташкил этади. (Шу жумладан ҚҚС-12449832 сўмни ташкил қилади)

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- бузиш (снос) хизмати ишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

- объектнинг бузилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Бузиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг кучлари ёки жалб килинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- 2-иловага мувофиқ хизмат кўрсатиш майдонига зарур материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва саклаш;

- хизмат кўрсатиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- Хизмат кўрсатиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари урнатиш;

- хизмат кўрсатиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

- мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда хизмат кўрсатиш майдонини ўзига тегишли машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

- Хизмат кўрсатиш майдони қўриқлигини таъминлаш;

- хизмат кўрсатишда таваккалчилик суғуртаси учун белгиланган суммага суғурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик суғуртаси тўғрисида шартнома тузади ва суғурта шартномаси билан суғурта полисини буюртмачига тақдим қилади.

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган узининг 20% га тенг булган ва унга хизмат курсатувчи банк тамонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада кўзда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи ҳужжатларни (исполнительная документация) тулик ҳажмда тақдим қилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

#### V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб икки муддатда мазкур шартномага 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган Хизмат кўрсатиш майдони ни объект хизмат кўрсатиши ва хизмат кўрсатиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур булган ижро ҳужжатлари руйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

12. Буюртмачи мазкур шартномада кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

#### VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолаб Ғазначилик бўлинмаларида руйхатга олинган кундан бошлаб қонуний кучга қиради.

14. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ишларни бажаради.

15. Объектни **2022 йил 31 майгача** бузиш ишларини якунлаш белгиланади.

#### VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар миллий валюта - «сўмда» қилинади.

17. Бажариладиган ишлар учун тўловлар бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан яъни бузиш ишлари тўлиқ якунига етгандан кейин бузишдан чиққан яроқли қурилиш материалларини сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан пул ўтказиш орқали ҳисоб-китоб қилинади. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% миқдорини олдиндан, қолган 70% ни бузиш ишлари тўлиқ бажарилгандан кейин, бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномага асосан ўтказади, 30% бу **28634613 (Йигирма саккиз миллион олти юз ўттиз тўрт минг олти юз ўн уч)** сўмни ташкил этади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига жорий молиялаштириш учун бюджетдан ташқари жамғармасидан берилган маблағлар ўттиз банка кунда молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади.

19. Буюртмачи томонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган ҳолда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширади.

20. Пудратчининг ҳисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект хизмат кўрсатиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект т хизмат кўрсатишига зарур булган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тўлаш, объект хизмат

кўрсатишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тўлаш учун ва Ушбу объект хизмат кўрсатишининг бошқа харажатларига катъий сарфланади.

21. Пудратчи жорий молиялаштириш учун ҳисобот ойнинг охирги кунигача ва якуний молиялаштириш учун ҳисоб китоб учун хизмат кўрсатиш монтаж ишлари микдори, харажатлари тугрисидаги «Бажарилган ишлар киймати тугрисидаги маълумотнома ҳисоб-варақ-фактурани» узи тузиб такдим килади. Буюртмачи бажарилган хизмат кўрсатиш-монтаж ишларининг микдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.

22. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний ҳисоб-китоб учун, бажарилган хизмат кўрсатиш -монтаж ишларини микдори, сифати ва харажатлари текширувидан сунг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «**Бажарилган ишлар киймати тугрисидаги маълумотнома-ҳисоб-варақ-фактура**» асос булади.

23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳуқуқини узида саклайди. Объект Буюртмачига топширгунга қадар объектнинг тасодифий йук қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади.

### **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.**

24. Буюртмачи Хизмат кўрсатиш майдонида ўз вақилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

26. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган хизмат кўрсатиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

27. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг хизмат кўрсатиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва хизмат кўрсатиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қелишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек хизмат кўрсатишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан кониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни Аниқланган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чоратадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

#### **IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ.**

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади

32. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **X. КАФОЛАТЛАР.**

34. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- лойиха ҳужжатларига ҳамда хизмат кўрсатиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

- ўзи томонидан хизмат кўрсатиш учун қўлланиладиган хизмат кўрсатиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% миқдорида жарима солиш ҳуқуқига эга.

Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

#### **XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.**

35. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин бузиш (снос) хизмати бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- Пудратчи томонидан шартнома шартлари хизмат кўрсатиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

#### 36. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортик муддатга тухтатиб қўйилганда;

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

37. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган хизмат кўрсатиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

38. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида-қоида мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

39. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

40. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## **XII ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

41. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

42. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

43. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар қиради.

44. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши,

қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жинойи фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмағирлик қилиш, ундаш, тазйик ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

45. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибютерлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт:

- коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросаеиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

- улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

- уларни фақат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

46. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

47. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## **XI. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКҲИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

48. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон

Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

49. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Буюртмачининг ҳисоб рақамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини уч банка кунда сабабсиз пудратчининг ҳисоб рақамига утказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% миқдорида жарима тулайди;

50. Пудратчи объектни ўз вақтида хизматни амалга ошириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

51. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

52. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, бузиш меъёрлари ва коидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

53. Томонлардан бири ўз реквизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, корхона атамаси ёки мақомини нотугри берса ва ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи томонга ёзма хабар бермаса айбдор томон иккинчи томонга шартнома баҳосининг 0,1% миқдорида жарима тулайди.

54. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

#### **XIV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.**

55. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки қўшимча ва ўзгартириш киритишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган барча низоли масалаларни томонлар ўз аро келишув йўли билан ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

### XV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

56. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

57. Пудратчи хизмат кўрсатиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

58. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

59. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

60. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин хизмат кўрсатиш ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи хизмат кўрсатиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

61. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун ҳужжатлари қўлланилади.

62. Бузишдан чиққан аввалдан ишлатилган материалларни белгиланган тартибда баҳолаш орқали баҳоланган нархдан материаллар орқали Буюртмачи билан Пудратчи ўртасида ҳисоб-китоб қилинишига (Вартер) йўл қўйилмайди.

63. Мазкур шартнома Ҳазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал килади.

64. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

### XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

#### БУЮРТМАЧИ:

#### ПУДРАТЧИ:

Гурлан туман Халқ таълими бўлими	Xorazm Shams Building House МЧЖ
Манзили: Гурлан тумани П.Махмуд кўчаси 70-уй	Манзили: Шовот туман Ижтимоият қишлоғи Бешчиқир маҳалласи Бешчиқир кўчаси 28-уй
Тел/факс: (0362)36-51-338, (0362)36-53-392	Тел/факс: +998904303090
шх/р: 400122860332087092100075046	х/р: 20208000705076493001
Банк: Марказий банк Тошкент шаҳар ХККМ	Банк: АТБ Агробанк Шовот туман филиали
МФО: 00014	МФО: 00567
ИНН: 201137692	ИНН: 306425541
ОКЭД: 84112	ИФУТ: 41202
Молия вазирлиги ягона ғазна ҳисоб варанти	
х/р: 23402000300100001010	
ИНН: 201122919	



М.Маримов



М.У. Ж.Халимов  
(ИМЗО)

## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

**Loyihaning turi:** Shartnoma

**Loyihaning nomi:** Gurlan tuman xalq ta'limi bo'limi hamda "Xorazm Shams Building House" MЧЖ o'rtasida tuziladigan 13.05.2022-yildagi №02-sonli eski binoni buzish xizmati bo'yicha shartnomasi loyihasi

**Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:** Gurlan tuman xalq ta'limi bo'limi tomonidan 2022-yil 12-may kuni ishlab chiqilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuristkonsulti



E.Raxmatillayev  
13.05.2022-yil



Гурлан тумани 2- умумий ўрта таълим мактабининг эски биносини бузиш(снос) хизмати ишлари бўйича ойлар давомида  
 молиялаштириш графиги

(сум)

Тур	Объект номи ва манзили	Хажм бирлигининг киймати	2022 йил учун молиялаштириш киймати												
			1-чорақ			2-чорақ			3-чорақ			4-чорақ			
			январ	феврал	март	апрел	май	июнь	июль	август	сентябр	октябрь	ноябр	декабр	
1	Гурлан тумани 2- умумий ўрта таълим мактабининг эски биносини бузиш (снос)хизмати. Гурлан тумани Гулшан маҳалласи	3 95448711	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	
							95448711,0								



Рахбар М.М.Маримов



Рахбар Ж.Халимов

Гурлан тумани 2- умумий ўрта таълим мактабининг эски биносини бузиш(снос) хизмати ишлари бўйича ойлар давомида ишларни бажариш графиги

Тўр	Объект номи ва манзили	Хажм бирлигини	2022 йил учун ишларни бажариш киймати												(сум)
			1-чорак			2-чорак			3-чорак			4-чорак			
			январ	феврал	март	апрел	май	июнь	июль	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	11	12	13	14	15	16	
1	Гурлан тумани 2- умумий ўрта таълим мактабининг эски биносини бузиш (снос)хизмати. Гурлан тумани Гулшан маҳалласи	95448711					95448711,0								

М.У

Буюртмачи: Гурлан туман халқ таълими бўлими

Рахбар  М.Маримов



Рахбарчи: Xorazm Shams Building House МЧЖ

Рахбар  Ж.Халимов

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 78610 на приобретение Гурлан туман  
ХТБга карашли 2-сон мактабнинг эски биносини бузиш (снос) ишлари**

Способ проведения электронный

Дата 11.05.2022

Время рассмотрения 11.05.2022 11:58

Конкурсная комиссия Гурлан туман Халк таълими булими-Марказлашган, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	MARIMOV MUROD KAMILOVICH	Мудир	Гурлан туман халк таълими булими
<b>Секретарь комиссии</b>	AVEZOV IBRAGIM YANGIBAYEVICH	Моддий кийматликлар буйича хисобчи	Гурлан туман халк таълими булими
<b>Член комиссии</b>	MATKURBANOV MUZAFFAR SABUROVICH	Эксплуатация булими бошлиги	Гурлан туман халк таълими булими
<b>Член комиссии</b>	AVAZOV ISMOILJON BAZORBAYEVICH	Бош хисобчи	Гурлан туман Халқ таълими булими
<b>Член комиссии</b>	ERMANOV MUXAMADJAN ISKANDAROVICH	Давлат харидлари буйича бош мутахассис	Гурлан туман халқ таълими булими
<b>Член комиссии</b>	JALGASBAYEV ABUASKAD RASHIDOVICH	мутахассис	Гурлан туман халқ таълими булими

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 11.05.2022 года № лота 78610.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 40.00 / Весовой коэф. ценовой части: 60.00)

Мин. балл: 65

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Работы по демонтажу зданий и сооружений</b>
Подробное описание	Гурлан туман ХТБга карашли 2-сон мактабнинг эски биносини бузиш (снос) ишлари
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	135 448 711.00
Стартовая сумма	135 448 711.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Мухандис техник ходимлар тугрисида маълумотнома, 10 нафардан кам булмаслиги керак, иш стажи камида 5 йил.

Тип: Числовое значение

Описание: Мухандис техник ходимлар тугрисида маълумотнома. 10 нафардан кам булмаслиги керак, иш стажи камида 5 йил.

Обязательность: Критично

Требование заказчика: Не менее: 10 человек

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SOF TA'MIR LYUKS МЧЖ	20	28	20	Системная		
ООО ДЕНҚОНЧИЛИК ТОМАРҚА ХИЗМАТ	20	20	20	Системная		
УРҒАНЧ ЧОЛИШ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗ	20	20	20	Системная		
ООО ХОРАЗМ SHAMS BUILDING HOUSE	20	10	20	Системная		

Критерий №2 Танловда иштирокчининг тажрибаси курилиш соҳасида 6 йилдан кам булмаслиги ва бажарилган ишлари руйхати (6 йиллик) маълумотнома шаклида.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирокчининг тажрибаси курилиш соҳасида 6 йилдан кам булмаслиги ва бажарилган ишлари руйхати (6 йиллик) маълумотнома шаклида.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SOF TA'MIR LYUKS МЧЖ	20	бажарилган ишлари руйхати	20	Экспертная		
ООО ДЕНҚОНЧИЛИК ТОМАРҚА ХИЗМАТ	20	2 йил	1	Экспертная		
УРҒАНЧ ЧОЛИШ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗ	20	20	20	Экспертная		
ООО ХОРАЗМ SHAMS BUILDING HOUSE	20	ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА	20	Экспертная		

Критерий №3 Танлов предметининг камида 50% микдориди айланма маблагига эгалиги. Банкдан маълумотнома, шу санага.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов предметининг камида 50% микдориди айланма маблагига эгалиги. Банкдан маълумотнома, шу санага.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SOF TA'MIR LYUKS МЧЖ	20	камида 50% микдориди айланма маблагига эгалиги.	2	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл - участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО DEHQONCHILIK TOMARQA XIZMAT	20	Айланма маблаг мавжуд	1	Экспертная		
УРГАНЧ ЧОЛИШ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗ	20	20	2	Экспертная		
ООО XORAZM SHAMS BUILDING HOUSE	20	ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА	8	Экспертная		

Критерий №4 Асосий фаолият тури курилиш булиши керак.

Тип: Текстовое значение

Описание: Асосий фаолият тури курилиш булиши керак. Устав гувоҳнома, солиқдан ва банкдан бугунги санага қарзи йуқлиги тугрисидаги маълумотнома, қайси солиқ туловчиси тугрисидаги гувоҳнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SOF TA'MIR LYUKS MЧЖ	20	Асосий фаолият тури	12	Экспертная		
ООО DEHQONCHILIK TOMARQA XIZMAT	20	Курилиш монтаж, таъмирлаш, дурадгорчилик, сантехника пайвандлаш ишларини бажариш	1	Экспертная		
УРГАНЧ ЧОЛИШ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗ	20	20	16	Экспертная		
ООО XORAZM SHAMS BUILDING HOUSE	20	talab darajasida	20	Экспертная		

Критерий №5 Танловда иштирок килувчиларнинг машина техникалари ва механизмлари сони 20 тадан кам булмаслиги керак.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок килувчиларнинг машина техникалари ва механизмлари сони 20 тадан кам булмаслиги керак.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SOF TA'MIR LYUKS MЧЖ	20	машина техникалари ва механизмлари	10	Экспертная		
ООО DEHQONCHILIK TOMARQA XIZMAT	20	20	1	Экспертная		
УРГАНЧ ЧОЛИШ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗ	20	20	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО ХОРАЗМ SHAMS BUILDING HOUSE	20	ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
УРГАНЧ ЧОЛИШ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗ	135 448 711.00	114 448 711.00	10.05.2022 08:57:52	50.04
ООО ХОРАЗМ SHAMS BUILDING HOUSE	135 448 711.00	95 448 711.00	10.05.2022 09:09:47	60.00
SOF TA'MIR LYUKS МЧЖ	135 448 711.00	110 448 711.00	08.05.2022 12:07:00	
ООО ДЕНҚОНЧИЛИК ТОМАРҚА ХИЗМАТ	135 448 711.00	130 448 711.00	09.05.2022 21:24:04	

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
УРГАНЧ ЧОЛИШ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗ	27.2	50.04	77.24
ООО ХОРАЗМ SHAMS BUILDING HOUSE	35.2	60	95.2
SOF TA'MIR LYUKS МЧЖ	25.6		25.6
ООО ДЕНҚОНЧИЛИК ТОМАРҚА ХИЗМАТ	9.6		9.6

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 78610 от 11.05.2022 года на приобретение Гурлан туман ХТБга карашли 2-сон мактабнинг эски биносини бузиш (снос) ишлари определила победителем:

ООО ХОРАЗМ SHAMS BUILDING HOUSE  
306425541

и резервный исполнитель: УРГАНЧ ЧОЛИШ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗ (206376599)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	AVAZOV ISMOILJON BAZORBAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	JALGASBAYEV ABUASKAD RASHIDOVICH	Согласен	
Член комиссии	ERMANOV MUXAMADJAN ISKANDAROVICH	Согласен	
Член комиссии	MATKURBANOV MUZAFFAR SABUROVICH	Согласен	
Председатель комиссии	MARIMOV MUROD KAMILOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

## ТЕХНИЧЕСКОЕ ЗАДАНИЕ

### Снос школы №2 Гурленского района

#### ИНФОРМАЦИОННАЯ ТАБЛИЦА КОНКУРСОВ

Данный раздел включает в себя специальные положения, касающиеся предмета конкурса, и дополняющие информацию или требования, приведенные в других разделах конкурсной документации

№	Наименование раздела	Пояснения к разделам
1	Заказчик:	Отдел народного образования Гурленского района
2	ПРЕДМЕТ КОНКУРСА:	Снос школы №2 Гурленского района
3	Номер конкурса:	№5
	Адрес и контакты Заказчика:	Ул. П.Махмуд дом 70
6	Контактное лицо:	97 792 74 46
7	Объявление о конкурсе опубликовано:	Специальный информационный портал: <a href="http://www.etender.uzex.uz">www.etender.uzex.uz</a>
8	Для участие в конкурсе допускаются участники	Участие в конкурсе объединений юридических лиц (консорциумов; не допускается
9	Лицензируемые виды работ	Требуется товаров по размеру и требованию заказчика и установка
10	Сроки обращения участников за разъяснениями к конкурсной документации	2 дня до даты окончания срока подачи конкурсного предложения
11	Срок действию конкурсного предложения:	не менее 5 дней со дня окончания представления конкурсных предложений
12	Прием конкурсных предложени	Предложения принимаются с момента опубликования на сайте
13	Конкурс и вскрытие предложений будет осуществляется	В электронным виде
14	Период оценки конкурсных предложений	Период оценки конкурсного предложения составляет не более 3 дней со дня окончания приёма конкурсных предложений
15	Размер обеспечения исполнения договора	% от стоимости работы, определенной по результатам конкурса
16	Предельная цена заказчика:	
17	Язык конкурса:	Узбек
18	Источник финансирования	Бюджетные средства
19	Валюта договора	Узбекский сум

Заведующий отдела народного образования  
Гурленского района



М.Маримов